

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.F.01.05 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

УСМАНОВ МАРИФДЖОН ШАКИРОВИЧ

**ЎЗБЕКИСТОНДА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ
ШАКЛЛАНИШИНИНГ ИСТИҚБОЛЛАРИ
(ижтимоий-фалсафий жиҳатлари)**

09.00.04 – ижтимоий фалсафа

09.00.02 – ҳуқуқ фалсафаси

**ФАЛСАФА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2019

Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)

Content of the of Doctoral (DSc) Dissertation Abstract

Усманов Марифджон Шакирович

Ўзбекистонда фуқаролик жамияти шаклланишининг истикболлари
(ижтимоий-фалсафий жиҳатлари) 3

Усманов Марифджон Шакирович

Перспективы развития гражданского общества в Узбекистане
(социально-философские аспекты) 27

Usmanov Marifdjon Shakirovich

Perspectives for the development of civil society in Uzbekistan
(socio-philosophical aspects) 47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works51

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.F.01.05 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

УСМАНОВ МАРИФДЖОН ШАКИРОВИЧ

**ЎЗБЕКИСТОНДА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ
ШАКЛЛАНИШИНИНГ ИСТИҚБОЛЛАРИ
(ижтимоий-фалсафий жиҳатлари)**

09.00.04 – ижтимоий фалсафа

09.00.02 – ҳуқуқ фалсафаси

**ФАЛСАФА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2019

Фалсафа фанлари бўйича (DSc) фан доктори диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В.2019.4.DSc/Fal36 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон Миллий университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.fs-ik.uz) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталига (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчилар: **Раҳманкулов Миракбар Хожиакбарович**
юридик фанлари доктори, профессор

Муминов Алишер Гаффарович
сиёсий фанлар доктори, профессор

Расмий оппонентлар: **Саидов Акмал Холматович**
юридик фанлар доктори, академик

Саифназаров Исмаил
фалсафа фанлари доктори, профессор

Мамадалиев Шавкатбек Олмасбаевич
фалсафа фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот: **Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти**

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги Илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.F.01.05 рақамли илмий кенгашнинг 2019 йил «__» _____ кунини, соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй. Ўзбекистон Миллий университети Ижтимоий фанлар факультети биноси, 5-қават, 511-хона. Тел.: (+99871) 2460224; факс: (+99871) 2460224; e-mail: pauka@nuu.uz).

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (__ -рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй. ЎЗМУ Маъмурий биноси, 2-қават, 4-хона, Тел.: (+99871) 2464655; факс: (+99871) 2460204).

Диссертация автореферати 2019 йил _____ ойининг «__» кунини тарқатилди. (2019 йил «__» даги _____ рақамли реестр баённомаси)

И.Р.Хужамуродов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, фалсафа фанлари доктори, профессор

Д.Э.Файзихужаева

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби в.б., фалсафа фанлари номзоди, доцент

Ж.С.Раматов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси, фалсафа фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. XX аср охири - XXI аср бошлари фуқаролик жамияти, «билим жамияти», «очик ёки ахборот жамияти»нинг шаклланиши, жамиятда эски кадриятлар қайта кўриб чиқилиши, демократик ва барқарор ривожланиш тамойилларининг ҳаётга кенг татбиқ этилиши, инсон капитали тараққиётнинг ҳал қилувчи омилларидан бирига айланиши, эркин бозор муносабатлари қарор топиши, ахборот-коммуникация технологияларининг жамият ва давлат ҳаётининг барча жабҳаларига жадал кириб келиши каби глобал хусусиятлар билан тавсифланади. 2000 йилда БМТнинг Мингйиллик декларацияси, Фуқаролик жамияти институтларининг мингйиллик Форуми декларацияси ва Ҳаракатлар дастури, Окинава глобал ахборот жамияти хартияси, 2003-2005 йилларда «Ахборот жамиятини қуриш – янги мингйилликнинг глобал масаласи тамойиллари Декларацияси» ҳамда Ахборот жамияти учун Тунис дастури, 2015 йилда БМТнинг 2030 йилгача бўлган даврда Барқарор ривожланиш мақсадларининг¹ қабул қилиниб, ҳаётга татбиқ этилиши ва бошқалар дунёдаги ушбу мураккаб ва ўзаро боғлиқ жараёнларни сифат жиҳатдан тамоман янги босқичга олиб чиқди.

Дунё фалсафий тадқиқотларида фуқаролик жамияти шаклланиши, унинг сиёсий, ижтимоий, гуманитар, ҳуқуқий ва иқтисодий асосларининг ривожланиши борасидаги изланишлар алоҳида аҳамият касб этмоқда. Жамият ривожини, унга халқларнинг тарихий, миллий ва маънавий кадриятлари, дунёқараши, урф-одатлари ва менталитетининг таъсири, фуқаролик жамияти институтлари фаолияти, уларнинг давлат ташкилотлари билан ўзаро муносабатларининг ўзига хос хусусиятлари, барқарор ривожланишга қўшаётган ҳиссасини ижтимоий-фалсафий тадқиқ этишга бўлган зарурат янада ошиб бормоқда.

Мамлакатимиз ўз тараққиётининг сифат жиҳатидан мутлақо янги босқичга ўтган даврда 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси (Ҳаракатлар стратегияси) доирасида ўзаро боғлиқ ва бир бирини тақозо этадиган сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий, ҳуқуқий ислохотлар, давлат ва конституциявий тизимда изчил туб ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Ушбу шароит демократик, барқарор ривожланаётган, ташқи дунё учун очик ва рақобатбардош, инсонпарвар ва адолатли ҳуқуқий давлат қуриш, шунингдек, инсон, унинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари энг юқори кадрият сифатида тан олинган фуқаролик жамиятини шакллантириш ва унинг

¹ Декларация тысячелетия ООН/ https://www.un.org/ru/documents/decl_conv/declarations/summitdecl.shtml; Декларация и Программа действий Форума тысячелетия: «Мы, народы: укрепление ООН в двадцать первом веке». Резолюция №А/54/959 ГА ООН от 8.08.2000 г./ <https://undocs.org/ru/A/54/959>; Цели в области устойчивого развития. Саммит по УР 2015 года/<https://www.un.org/sustainabledevelopment/ru/summit/>; Окинавская хартия глобального информационного общества/<http://federalbook.ru/files/SVAYZ/saderzhanie/Tom%206/I/hartia.pdf>; Декларация принципов «Построение информационного общества – глобальная задача в новом тысячелетии»/https://www.un.org/ru/events/pastevents/pdf/dec_wsis.pdf; Тунисская программа для информационного общества/https://www.un.org/ru/events/pastevents/pdf/agenda_wsis.pdf ва бошқалар. Ҳаволалар 14.02.2019

ўзига хос хусусиятларини аниқлаштиришни долзарб масалага айлантирмоқда.

«Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида», «Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг кафолатлари тўғрисида», «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида», «Сиёсий партиялар тўғрисида», «Ижтимоий шериклик тўғрисида», «Жамоатчилик назорати тўғрисида»ги қонунлар ҳамда Ҳаракатлар стратегияси, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Мамлакатни демократик янгилаш жараёнида фуқаролик жамияти институтларининг ролини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2018 йил 4 майдаги ПФ-5430-сонли Фармони ва бошқа норматив-ҳуқуқий актларда белгиланган вазифаларни бажаришга ушбу диссертация муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Ушбу тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг 1. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи.¹ Фуқаролик жамиятини шакллантириш соҳасидаги илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасаларида олиб борилмоқда, жумладан: дунё бўйича 200дан зиёд илмий марказларни бирлаштирадиган Фуқаролик жамиятлари ташкилотлари ва фаолларининг Глобал альянси (CIVICUS); Дж.Хопкинс номли Университетнинг Фуқаролик жамияти муаммоларини ўрганиш Маркази (АҚШ); Россия Миллий тадқиқот университети «Олий иқтисодиёт мактаби»нинг Фуқаролик жамияти ва нотижорат секторини ўрганиш маркази; Цукуба университети (Япония); Ж.Неру номли университет (Ҳиндистон); Сорбонн университети (Франция); Лондон университетининг Фуқаролик жамиятини ўрганиш маркази (Буюк

¹ Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи: Коэн Дж. Л., Арато Э. Гражданское общество и политическая теория. М., 2003; Хабермас Ю. Философский дискурс о модерне. - М., 2003.; Хантингтон С. Ценности гражданского общества и личность. М., 2001; Civil Society in the Global South//Edited by Kamruzzaman P. (2018); Krishan Kumar. Civil Society, Globalization and Global Civil Society// Governance and Accountability in International NGOs – UC Santa Barbara, November 10-11, 2006; Hann C. Introduction: Political Society and Civil Anthropology // Civil Society: Challenging Western Models. L.: Routledge, 1996; Weigle M.A., Butterfield J. Civil Society in Reforming Communist Regimes: The Logic of Emergence // Comparative Politics. 1992. Vol.25. № 4; Дарендорф Р. После 1989. Размышления о революции в Европе. М. 1992; Бектанова А.К. Понятие гражданского общества в трудах англо-американских просветителей// «Вестник Челябинского госуниверситета», 2017, № 4; Стратегический план Альянса «CIVICUS» на 2017-2022 гг.//https://www.civicus.org/documents/strategic-plan/civicus-strategic-plan-2017-2022_ru.pdf; The 2016 CSO Sustainability index for Central and Eastern Europe and Eurasia 20th edition - July 2017// https://www.usaid.gov/sites/default/files/documents/1866/CSOSI_Report_7-28-17.pdf; Израелян Е.В., Международные индексы развития гражданского общества и российский контекст/Сборник материалов общественных слушаний «Эмпирические исследования гражданского общества», М., 2009 г. С.64; Андреев В.О. «Проблемы применимости зарубежного опыта для оценки состояния некоммерческого сектора в России»// Выпускная квалификационная работа. Национальный исследовательский университет «Высшая школа экономики», 2013 г.; Гуторов В.А. Современные концепции гражданского общества // Гражданское общество в России: стратегия и тактика формирования. СПбГУ., 2001; Гуторов В.А. Гражданское общество: эволюция практической философии и современная реальность // Стратегии формирования гражданского общества в России. СПбГУ., 2002; Романенко Л.М. Цивилизационный подход – генеральная парадигма развития современной отечественной социологии // Общество и социология: новые реалии и новые идеи. СПбГУ. 2002; Левин И. Гражданское общество на Западе и в России. ПОЛИС. 1996, №4 ва бошқа манбалар асосида тайёрланди.

Британия).

Фуқаролик жамияти шаклланиши, унинг замонавий концепциялари, ривожланиш истиқболларининг ижтимоий-фалсафий, ҳуқуқий жабҳаларига оид жаҳонда олиб борилаётган изланишлар натижасида: тарихий ва «цивилизация» ёндошувлар асосида «фуқаролик жамияти»нинг барча мамлакатлар учун ягона модели бўлиши мумкин эмаслиги, турли давлатлардаги унинг ривожланиш концепциялари ҳар бир мамлакатнинг тараққиёт қонуниятлари, аҳоли менталитети, миллий, диний ва маънавий қадриятларига боғлиқлиги, замонавий ахборот-коммуникация технологияларнинг ушбу мураккаб жараёнларга ижобий ва салбий таъсирлари тўғрисидаги илмий асосланган хулосалар қилинган (Сорбонн, Лондон, Цукуба ва Ж.Неру университетлари); фуқаролик жамияти мавжуд бўлган ва ривожланаётган муҳит, фуқаролик институтларининг ижтимоий-сиёсий муҳитга таъсири, уларнинг тузилиши ва улар ўртасидаги алоқа турларини ифодаловчи дунё мамлакатларининг «Фуқаролик жамияти хариталари» тузилган (CIVICUS Глобал альянси); фуқаролик институтлари фаолиятининг ҳуқуқий асослари, уларнинг жамиятдаги обрўси, ташкилий имкониятлари, молиявий барқарорлиги, жамоат манфаатларини ҳимоя қилишдаги иштироки, хизмат кўрсатиш соҳасидаги фаолиятини баҳоловчи «Ноҳукумат ташкилотларнинг барқарорлик индекслари» аниқланган (Дж.Хопкинс номли Университет); фуқароларнинг жамоат фаоллиги, фуқаролик жамияти ижтимоий базасининг ривожланиш динамикаси, фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишда ННТларнинг роли, турли соҳаларда улар фаолиятининг самарадорлиги, давлат ташкилотлари билан ҳамкорлиги, ҳудудлар ривожига ўрнини кўрсатиб берувчи «Фуқаролик жамияти шаклланиши индекслари» аниқланган (РМТУ ОИМ); фанлараро ёндашув асосида фуқаролик институтлари ва давлат ташкилотлари орасида ижтимоий ҳамкорликни ривожлантириш истиқболлари кўрсатилган (Ўзбекистон Миллий университети).

Ҳозирги кунда фуқаролик жамияти шаклланишининг қуйидаги устувор йўналишларида тадқиқотлар олиб борилмоқда: фуқаролик жамияти ривожининг турли мамлакатлардаги умумий ва ўзига хос хусусиятлари, унинг замонавий концепциялари («давлат, фуқаролик жамияти ва шахс» муносабатларига нисбатан, «инновацион, глобал фуқаролик жамияти» ва бошқалар); унинг сиёсий, ижтимоий, гуманитар, ҳуқуқий ва иқтисодий асосларининг мустаҳкамланиши; давлат ва фуқаролик жамияти институтлари ўртасидаги муносабатлар ҳамда ижтимоий шериклик, жамоат назорати институтлари ривожланганлиги; ННТларнинг фаолияти самарадорлиги ва барқарор ривожланишга кўшаётган ҳиссаси; жамиятдаги қадриятлар ва фуқаролик позициясининг мустаҳкамланиши; «фуқаролик жамиятининг ривожланганлик ҳолати»ни аниқлаш ва бошқалар.

Муаммони ўрганилганлик даражаси. Бугунги кунда юртимиздаги ва хориждаги олимлар, тадқиқот марказлари томонидан иқтисодий жиҳатдан мустаҳкам ва барқарор фуқаролик жамиятини шакллантириш, ҳуқуқий-

демократик давлатни қуриш, халқ маданияти, анъана ва менталитетининг миллий фуқаролик жамияти моделига кўрсатадиган таъсири каби муаммоларни ўрганиш соҳасида муайян ишлар амалга оширилган.

Фуқаролик жамияти назариясини ривожлантиришга И.Кант, Г.Гегель, А.де Токвиль каби бир қатор атоқли олимлар муносиб ҳисса қўшдилар. XX аср олимлари Г.Алмонд, С.Верб, Х.Арендт, К.Шмитт, Р.Козеллек, Ю.Хабермас, Н.Луман, Т.Парсонс¹ ва бошқаларнинг изланишлари фуқаролик жамияти ғоясини ривожлантириш, фуқаролик институтларининг вазифалари ва функцияларини аниқлаш, давлат органларининг жамият назорати остида бўлиши ва ҳоказоларни ўрганишда муҳим аҳамият касб этди.

Фуқаролик жамиятини замонавий тарзда тушуниш ва тадқиқ этиш борасидаги янгича ёндашувлар Г.Дилигенский, С.Перегудов, В.Марахов, В.Гуторов, З.Голенкова, А.Аузан, К.Подъячев, Л.Романенко, Н.Дорошева, И.Левин, Э.Гоулднер, Д.Шмидт, Л.Зандштрот, К.Ханн, М.Вайгл, Р.Дарендорф, Э.Гидденс, Э.Геллнер, С.Элиэсон, С.Хендерсон, М.Уоррен, Дж.Козн, Э.Арато, Л.Соломон каби хорижий олимлар ишларида қўлланилди.

Ал-Беруний, Ал-Форобий, Низомулмулк, Ибн Сино, Амир Темур, Алишер Навоий каби Шарқнинг кўплаб буюк мутафаккирлари ва давлат арбоблари кишилик жамиятини шакллантириш, қонун устувор бўлган, инсон, унинг ҳақ-ҳуқуқлари қадрланадиган адолатли давлат барпо этиш ғояларини шакллантириш ва ҳаётга татбиқ этишга бебаҳо ҳисса қўшишган.

Фуқаролик жамиятининг моҳияти ва асосий назарий жиҳатлари, унинг алоҳида ўзига хос белги ва аломатлари, фалсафий-ҳуқуқий, ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маънавий асослари қатор замонавий ўзбек олимлари томонидан ўрганилган. Улар орасида А.Саидов, М.Шарифходжаев, М.Раҳманкулов, Ш.Жалилов, Р.Алимов, Р.Жумаев, Н.Жўраев, З.Исломов, Қ.Назаров, А.Муминов, А.Қодиров, М.Қирғизбоев, Ф.Мусаев, О.Мусаев, И.Толибов, С.Жўраев, Х.Исламхўжаев, К.Джавакова, Б. Туйчиев, Р. Қаюмов, Г.Тансикбаева, Л.Левитин, Х.Одилқориев, А.Туляганов, Ш.Якубов, Ш.Жалилов, Э.Имомов, Э.Мўминов, Р.Убайдуллаева, Д.Бўронова, О.Ата-Мирзаев, Х.Абулқосимов, А.Ваҳобов, Н.Тўхлиев, Б.Исмоилов, Ш.Бафоев, С.Одилхўжаев, М.Турғунов, Э.Шодмонов, М.Карамян, Э.Каримов, С.Мамашокиров, А.Очилдиев, И.Саифназаров, Г.Туленова, З.Мунавваров, А.Ҳасанов ва бошқаларнинг асарларига алоҳида этибор қаратиш лозим.

Шу билан бирга, юқоридаги тадқиқотлар фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг муайян жиҳатларини алоҳида-алоҳида ўрганишга қаратилган. Ҳолбуки, фуқаролик жамиятининг барча жиҳатлари ўзаро яхлит ва муштарак, бир-бири билан чамбарчас боғлиқдир. Уларнинг яқин алоқадорлигини ва бири-бирларини тақозо этишини фанлараро ёндошув асосида ўрганмасдан туриб, аниқ ва яқин хулосага келиш мумкин эмас.

Шу билан бирга, Ҳаракатлар стратегияси доирасидаги кенг қўламли демократик ўзгаришларнинг фалсафаси ва ҳуқуқий асосларини, шунингдек, фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёнларини, ижтимоий шериклик ва

¹ Адабиётлар диссертациядаги фойдаланилган адабиётлар Рўйхатида келтирилган.

жамоатчилик назоратининг ҳуқуқий ва иқтисодий асосларини, фуқаролик институтларининг мамлакатни барқарор ривожланишига кўшаётган ҳиссасини ва бошқаларни ҳар томонлама ўрганиш талаб этилади.¹

Шубҳасиз, ушбу вазифалар фанлараро (ижтимоий-фалсафа, сиёсатшунослик, ҳуқуқ, иқтисодиёт) тадқиқотлар ҳамда ижтимоий-фалсафий ва ҳуқуқий услублари ва ёндашувлар асосидагина ҳал қилиниши мумкин.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Ўзбекистон Миллий университетининг илмий-тадқиқот ишлари режасининг «Ўзбекистонда ижтимоий шерикликнинг бугунги кун талабларига мос келадиган моделларини ишлаб чиқиш» мавзусидаги лойиҳа (ПЗ-2017093070) доирасида амалга оширилди.

Тадқиқотнинг мақсади Ҳаракатлар стратегияси доирасида мамлакатда амалга оширилаётган сиёсий-ҳуқуқий ва ижтимоий-иқтисодий ислохотлар фалсафасининг моҳиятини очиб бериш ҳамда кучли ва адолатли фуқаролик жамиятини шакллантириш, барқарор ривожланишни таъминлашда фуқаролик институтлари роли ва аҳамиятини кучайтиришнинг йўналишларини аниқлаш бўйича таклифлар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

фуқаролик жамияти шаклланишининг ижтимоий-фалсафий моҳияти ва ижтимоий-сиёсий жиҳатлари, фуқаролик жамияти институтлари, авваламбор нодавлат нотижорат ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва кўппартиявий тизимнинг ҳолати ва ривожланиш истиқболларини кўрсатиб бериш;

фуқаролик жамиятининг иқтисодий ва гуманитар асосларини шакллантириш борасидаги Ўзбекистон тажрибаси, жамият ва давлатнинг барча жабҳаларини жадал ислоҳ қилиш стратегияси ва мамлакатнинг барқарор ривожланиши мақсад ва вазифалари орасидаги ўзаро боғлиқликни очиб бериш;

нодавлат нотижорат ташкилотлари (ННТ) ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларининг ижтимоий-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва бошқа соҳалардаги муаммоларни ҳал қилишда, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоялашдаги иштирокини қиёсий ҳуқуқий ўрганиш;

давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, жамоат бирлашмалари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари орасидаги ижтимоий шерикликни, жамоат ва парламент назорати институтлари, кўппартиявий тизимни янада мустаҳкамлаш, сиёсий партиялар ва парламент фаолиятининг самарадорлигини оширишга оид амалий таклифлар ишлаб чиқиш;

шаклланаётган глобал ахборот жамияти, миллий менталитет ва маданий қадриятларнинг мамлакатда фуқаролик жамиятининг ривожланиш жараёнларига таъсирини аниқлаш;

ривожланган демократик давлатларнинг фуқаролик жамиятини

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Мамлакатни демократик янгилаш жараёнида фуқаролик жамияти институтларининг ролини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2018 йил 4 майдаги ПФ-5430-сонли Фармони //Миллий қонунчилик базаси, 05.05.2018 г., № 06/18/5430/1164.

шакллантириш соҳасидаги тажрибасини ўрганиш, ундан Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини шакллантиришда фойдаланиш бўйича илмий хулосалар, таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объектини Ўзбекистонда фуқаролик жамиятининг ижтимоий, сиёсий, ҳуқуқий, маданий, маънавий ва иқтисодий асослари шаклланиши ва ривожланиши жараёнлари, унинг институтлари ва давлат ташкилотларининг ушбу соҳадаги фаолияти ташкил этади.

Тадқиқотнинг предмети Ўзбекистонда фуқаролик жамиятининг ўзига хос хусусиятлари ва шаклланиш омилларидан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда қиёсий таҳлил, вазиятни моделлаштириш, диалектик, тарихийлик каби илмий билиш усулларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

мамлакатимиз тараққиётининг янги босқичида фуқаролик жамияти шаклланиши жараёнларининг барқарор ривожланиш ва либерализм тамойилларига (эркинлик, масъулият, ҳалоллик, адолатлилик, бағрикенглик, имкониятлар тенглиги в.б.) асосланганлиги ҳамда ҳуқуқий демократик давлат қурилиши, «ахборот жамияти» шаклланиши билан ўзаро узвий боғлиқлиги ва бир бирини тақазо этиши очиқ берилган;

инсон, унинг кадр-қиммати ва қонуний манфаатлари энг юксак қадрият сифатида эътироф этилган янгиланиб бораётган Ўзбекистондаги ислохотлар фалсафаси, фуқаролик жамияти институтлари ҳамда халқ ҳокимиятчилиги ва парламентаризм ривожланишининг ҳуқуқий асослари такомиллашишининг маданий, тарихий, ахлоқий асослар ва қадриятлар билан боғлиқ эканлиги кўрсатилган;

мамлакатимизда фуқаролик жамиятининг ижтимоий-иқтисодий асосларини янада мустаҳкамлаш мақсадида давлат-хусусий шерикчилик ҳамда ННТлар тўғрисидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни «бизнес фаришталар» ва иқтисодий кластерлар борасидаги меъёрлар билан тўлдириш таклифлари берилган;

сўз ва ахборот эркинлиги ҳеч бир жамиятда мутлақ бўлиши мумкин эмаслиги, айниқса бу жамиятнинг хавфсизлиги, кишиларнинг шаъни ва кадр-қиммати каби ўта муҳим қадриятлар билан боғлиқ бўлган ҳолатларда ҳамда жамият ҳаётига кенг кириб келган замонавий ахборот-коммуникация технологияларининг фуқаролик жамияти ривожига салбий таъсирини олдини олиш, жамоат бирлашмалари ва давлат ташкилотларининг барқарор фаолият юритишини таъминлаш мақсадида унга чекловлар қўйиш лозимлиги асослаб берилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

ҳалқ менталитети, миллий, диний ва маънавий қадриятларини инобатга олган ҳолда «фуқаролик жамиятининг ривожланганлик даражаси»ни ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий, ахборот, иқтисодий-экологик ва ижтимоий-гуманитар индикаторлар асосида баҳолаш зарурлиги асослаб берилган;

мамлакатни модернизациялаш ва жамиятни демократлаштиришнинг муҳим шарти бўлган кўппартиявийлик тизими ва вакиллик органларини

депутатлик суриштирувини жорий этиш, маҳаллий бюджетларни қабул қилиниши ва ижроси устидан назорат ўрнатиш, бевосита минтақаларга тааллуқли ҳар қандай қарорларни режалаштириш ва қабул қилишда тегишли Халқ депутатлари Кенгашлари билан маслаҳатлашиш шарт эканлигини қонунда белгилаш юзасидан аниқ таклифлар ишлаб чиқилган;

фуқаролик жамияти институтлари фаолиятининг ҳуқуқий-норматив базасини янада такомиллаштириш, ижтимоий шерикликнинг, ижтимоий тадбиркорлик ва жамоат назоратининг самарали механизмларини жорий этиш ҳамда Ҳаракатлар стратегиясида кўзда тутилган мақсад ва вазифаларга эришиш, барақарор ривожланишни, мамлакатни инновацион тараққиёт йўлига ўтишини, жамиятда қонун устуворлигини таъминлашда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, ННТ ва оммавий ахборот воситларининг ролини янада ошириш борасида 6 қонун ҳужжатини тайёрлаш, қонунчиликка 30дан зиёд қўшимча ва ўгартиришлар киритиш бўйича амалий тавсиялар берган;

маҳаллий ижроия ҳокимияти ҳамда фуқаролик жамияти институтлари ўртасида минтақаларни ривожлантириш, аҳолининг турмуш фаровонлигини таъминлаш ва ҳоказо масалалардаги ўзаро ҳамкорлигини йўлга қўйиш бўйича чор-тадбирлар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги республика ва халқаро миқёсдаги илмий конференциялар материаллари тўпламлари, ОАК рўйхатидаги махсус журналлар ҳамда хорижий илмий журналларда мақолалар чоп этилгани, нашр этилган монография ва у ҳақдаги тақриз, хулосаларда, ишлаб чиқилган таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилгани, олинган натижаларнинг ваколатли органлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий хулосаларидан фуқаролик жамияти шаклланишининг ўзига хос жиҳатларини ва норматив-ҳуқуқий асосларини чуқур ўрганишга бағишланган махсус илмий ишларда манба сифатида фойдаланиш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти. Ишлаб чиқилган тавсиялардан мақсадли давлат дастурлари, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш, Парламент, сиёсий партиялар, нодавлат ноижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари амалиётда қўллаш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг ҳаётга татбиқ этилиши. Ўзбекистонда фуқаролик жамияти шаклланишининг истиқболларини ижтимоий-фалсафий таҳлили асосида:

мамлакатимизда давлат ташкилотлари ва ННТлар орасидаги ижтимоий шерикликнинг асосий тамойиллари, предметлари, соҳалари, шакллари борасидаги таклифлари Ўзбекистон Республикасининг «Ижтимоий шериклик тўғрисида»ги Қонунида ўз аксини топган (Адлия вазирлигининг 2014 йил 27 мартдаги 3-10-170/1-сонли маълумотномаси). Ушбу таклифларнинг амалиётга жорий этилиши мамлакатимизда фуқаролик жамияти институтлари ва давлат органлари ўртасида ижтимоий ҳамкорлик алоқаларини кучайтириш, ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда ННТларнинг фаол иштирокини

таъминлаш, уларнинг жамият ва давлат барқарор ривожланишига ҳиссасини оширишга хизмат қилмоқда;

самарали жамоатчилик назоратини амалга ошириш, унинг субъектлари ва объектларини аниқлаш ҳамда ижтимоий аҳамиятга молик норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, давлат органларининг бошқа қарорлари лойиҳаларини оммавий муҳокамасини ташкиллаштириш, жамоатчилик экспертизасини амалга ошириш борасидаги таклифлари «Жамоатчилик назорати тўғрисида»ги Қонунга киритилди (Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитасининг 2019 йил 10 сентябрдаги 05/01-364-сонли далолатномаси). Илмий натижалардан сиёсий партиялар, Фуқраолик жамиятини ривожлантириш маркази, ЎзННТМА ва бошқа ННТларнинг давлат органлари фаолияти устидан самарали жамоат ва парламент назоратини ўрнатишда фойдаланилмоқда. Хусусан, 2019 йилнинг ўзида ННТлар томонидан инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш, кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик ва фермерлик ҳаракатини ривожлантириш каби соҳалардаги ҳуқуқни қўллаш амалиёти ҳамда иқтисодий-ижтимоий ва маънавий-гуманитар соҳалардаги давлат дастурларининг ижроси устидан 700 маротабадан зиёд жамоатчили назорати амалга оширилган;

фуқаролик жамиятининг ижтимоий, гуманитар, ҳуқуқий ва иқтисодий асосларининг ривожланиши борасидаги изланишлари натижалари 30 дан ортиқ қонун ҳужжатларини тайёрлашда инобатга олинган (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ёшларга оид сиёсат, маданият, маънавият, оммавий ахборот воситалари, ижодий ва жамоат бирлашмалари котибиятининг 2019 йил 14 августдаги 07/1-9975-сонли маълумотномаси). Тегишли тавсиялари ННТларнинг барча даражадаги давлат ташкилотлари билан самарали ҳамкорлигини йўлга қўйиш, уларнинг оила институти, миллатлараро муносабатларни мустаҳкамлашдаги ролини оширишга хизмат қилмоқда;

сиёсий партияларнинг давлат ва жамият ҳаётидаги ўрнини ошириш, парламентаризм институтини ривожлантириш, фуқаролик жамиятининг иқтисодий асосларини мустаҳкамлаш, ННТларнинг ижтимоий давлат қуришдаги аҳамиятини ошириш каби муаммоларни ҳал этишга йўналтирилган таклифларидан Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати - Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партиясининг сайловолди дастурлари, уларнинг устав ва дастурий ҳужжатларини тайёрлашда фойдаланилган (ЎзЛиДеП 2018 йил 3 майдаги 01-27-сонли ҳамда «Адолат» СДПнинг 2016 йил 12 декабрдаги 12-сонли маълумотномалари). Илмий натижалар сиёсий партияларнинг фаолиятини самарали ташкил этиш, уларнинг мақсад ва вазифаларини ҳаётга татбиқ этишлари ҳамда сайлов кампанияларини миллий қонунчилигимиз ва умумтанолинган демократик тамойиллар ва талаблар асосида ўтказиш каби вазифаларни ҳал этишга ёрдам бермоқда;

«ахборот жамияти» шаклланиши шароитида давлат ва жамоат ташкилотларининг барқарор фаолиятини ташкиллаштириш борасидаги илмий таклифлари «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг

очиқлиги тўғрисида» ва «Болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонунларни ишлаб чиқишда фойдаланилган (ЎзМААнинг 2017 йил 24 августдаги маълумотномаси). Изланишлар натижалари: бугунги кунда мамлакатимиз ва дунёда содир бўлаётган воқеа-ҳодисалар ҳақида фикрлар хилма-хиллиги тамойилига амал қилган ҳолда давлатнинг ички ва ташқи сиёсати, амалга оширилаётган ислохотлар, ҳокимият органлари фаолиятининг шаффофлигини таъминлаш; ахборот маконини, айниқса Интернет тармоғини фуқаролар, жамият ҳамда давлат эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда уларнинг барқарор ижтимоий, маданий ва иқтисодий тараққиётига хизмат қилувчи маълумотлар билан бойитиш, глобал виртуал маконда миллий ахборот маҳсулотларини кенг тарқатиш; фуқаролар, айниқса болалар, жамият ва давлат ахборот хавфсизлигини таъминлаш каби вазифаларни самарали хал этишга хизмат қилмоқда.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 100 дан ортиқ миллий ва халқаро илмий-амалий форумларда, шу жумладан 2006-2019 йилларда Ўзбекистонда ва чет элда ташкил этилган 40 дан ортиқ халқаро конференциялар, семинар ва давра суҳбатларида синовдан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг (эълон қилиниши) чоп этилиши. Диссертация мавзуси бўйича жами 44 та илмий иш эълон қилинган. Шу жумладан 11 та монография (9 таси ҳаммуаллифликда), Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертациялари илмий натижаларини нашр этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 18 та мақола чоп этилган (уларнинг 4 таси чет эл нашрларида).

Диссертациянинг тузилиши (структураси) ва ҳажми. Диссертация кириш, тўртта боб, хулоса, таклифлар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 248 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг кириш қисмида ўтказилган тадқиқотнинг долзарблиги, зарурияти, масад ва вазифалари асослантирилган, илмий ишнинг объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг республикамізда фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатиб берилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларининг амалиётга татбиқ этилиши очиб берилган, шунингдек, чоп этилган ишлар ҳамда диссертациянинг тузилиши ҳақида маълумотлар тақдим этилган.

Диссертациянинг «**Фуқаролик жамияти**» тушунчасининг **ижтимоий-фалсафий таҳлили**» номли биринчи бобида ушба атаманинг структуравий таҳлили берилган, унинг генезиси, яъни келиб чиқиш тарихи, бугунги кунда унинг дунёда ва Ўзбекистонда қай маънода тушунилиши ҳақида маълумот берилган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари, соҳага оид ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар таҳлили асосида замонавий Ўзбекистонда

фуқаролик жамияти дейилганда, шахснинг ўз-ўзини ривожлантиришига ва инсон капиталининг ошишига хизмат қиладиган, «шахс қонуний манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликларини максимал даражада амал қилишида кўмаклашадиган, қонун устуворлиги ва адолат тамойиллари тантана қилган ижтимоий макон»¹ англаниши кўрсатиб берилган.

Бу соҳада энг асосий вазифа нодалат институтларини, уларга кўпроқ ҳуқуқ ва ваколатлар бериш орқали ривожлантиришдан, «Кучли давлатдан, кучли фуқаролик жамияти сари» деган концепцияни амалда рўёбга чиқаришдан иборатдир. Давлат тузилмалари, у ёки бу масалада қарор қабул қилар эканлар, жамиятининг фикрини, ундаги барча ижтимоий, диний-маданий ҳамда касбга оид қатламларнинг фикрини, муносабатларини ҳисобга олишлари лозим.

Тадқиқотда «фуқаролик жамияти»нинг турли моделлари таҳлили, мазкур тушунчанинг тарихий ва замонавий талқинлари ўрин олган, унинг ўзига хос жиҳатлари, белги ва хусусиятлари, муайян бочқичдаги ҳолатига хос ва улар билан чамбарчас боғлиқ бўлган ривожланиш концепциялари ўрганилган. Хусусан, тадқиқотда фуқаролик жамиятини «ҳуқуқий давлат» тушунчасидан ажратиб бўлмаслиги кўрсатиб берилган.

Фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлат бир-биридан мустақил равишда, автоном тарзда мавжуд бўлади, бироқ улар айна пайтда бир-бири билан чамбарчас боғлиқдир, зеро, ҳуқуқий давлат фуқаролик жамиятининг шаклланиши ва ривожланиши учун ниҳоятда зарур бўлган ҳуқуқий кафолатларни таъминлайди. Шу маънода ҳуқуқий давлат фуқаролик жамияти ривожининг маҳсули, яъни натижаси сифатида қаралади ва, айна пайтда, у ана шу фуқаролик жамиятининг нормал, талаб даражасида амал қилишининг зарурий шарти ҳам ҳисобланади.

Шунингдек, тадқиқотда «фуқаролик жамияти» ғояларининг либерализм ғоялари билан ҳам чамбарчас боғлиқ эканлиги кўрсатиб берилган. Ушбу фикр тарафдорларининг таъкидлашларича, бозор иқтисодиёти ва демократия фикрлар хилма-хиллиги, плюрализмга, бошқаларнинг фикрига, ҳатто бу ғоявий жиҳатдан қабул қилиниши мумкин бўлмаган фикр ва ғоялар бўлса-да, бағрикенглик билан муносабатда бўлишга эҳтиёж сезади, зеро бу жиҳатларсиз, эркин рақобат ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмас.

Ушбу бобда фуқаролик жамияти концепциясининг қисқача таҳлили тақдим этилган бўлиб, унда мазкур концепция чин маънодаги бозор ғоясига, «социал капитал», «коммунитаризм», «учинчи сектор» ва ҳоказо ғояларга янги муқобил коцепция сифатида таҳлил этилади.

Мазкур концепцияларнинг асоси сифатида уларга хос институтларнинг қуйидаги жиҳатлари ажратиб кўрсатилган:

институтционаллик – ташкилот шаклан юридик шахс сифатида фаолият юритиши, ўзининг ташкилий тузилмасига, мақсад ва вазифаларига фаолият доираси ва чегарасига эга бўлиши;

давлатдан мустақил бўлиш – ННТ давлат ва ҳокимият бошқаруви

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси// «Халқ сўзи», 23 декабрь 2017 й.; Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси// «Халқ сўзи», 29 декабрь 2018 й.

тизимининг қисми ҳисобланмайди. Бироқ бу ННТ давлатдан субсидиялар олиши мумкин эмас, ёки давлат идораларининг ходимлари ННТ бошқаруви таркибида бўлишлари мумкин эмас, деган маънони англатмайди;

ўзини-ўзи бошқариш – ички назорат механизмларининг мавжудиги, ички қондиларни белгилаш, уни тартибга солувчи қарорларни қабул қилиш таомилларини белгилаб бериши керак;

фойдани тақсимламаслик – фойдани ташкилот муассислари ва аъзолари ўртасида тақсимламаслик. ННТлар донорларнинг киритган пуллари ҳисобидан, ёки тадбиркорлик фаолияти орқали фойда олишлари мумкин, бироқ у фақат ташкилотнинг асосий фаолияти учун сарфланиши шарт;

кўнгиллилик – фуқароларнинг ННТ ишларида ўз ихтиёрлари билан кўнгилли (волонтёр) тарзда иштирок этишлари, ташкилот тадбирларига ва бошқарувига волонтёрларни жалб этилиши, фуқароларнинг ихтиёрий хайр-эҳсонларидан ташкилот фаолиятида фойдаланиш ва ҳоказо.

Бобда, шунингдек, илмий нуқтаи назардан фуқаролик жамиятини давлатга қарши қўйиш, ёки уларнинг алоҳида мавжуд бўлиши ҳақида гапириш мумкин эмаслиги ҳам кўрсатиб берилган. Шу билан бирга, давлатнинг фуқаролик жамиятини ўзига бўйсундириши ва ўз қаърига сингдириб юббориши тўғрисидаги фикрлар ҳам асоссиз эканлиги очиб берилган, зеро, фуқаролик жамиятининг самарали фаолият юритиши ҳар қандай давлатнинг яшаши, гуллаб - яшнаши учун зарурий шарт ва эҳтиёждир. Айнан фуқаролик жамиятнинг ташкилотлари билан яқин мулоқотда бўлиш давлат учун жамиятнинг аҳволи, манфаатлари, кайфияти, сиёсий ҳокимиятга муносабати борасида энг муҳим ахборот манбаи бўлиб хизмат қилади.

Тадқиқотда фуқаролик жамиятининг ривожланиши ва «ривожланганлик ҳолати»ни баҳолаш индекслари (индикаторлари) кўриб чиқилган. Хориж ва миллий тажрибалар асосида фуқаролик жамияти шаклланишида унинг қуйидаги жиҳатлари алоҳида ажратиб кўрсатилади:

сиёсий (жамият ҳаётини либераллаштириш, парламентаризм ва халқ ҳокимияти институтларини, кўппартияли тизимни, фуқароларнинг жамоат ташкилотларини ва ҳоказоларни ривожлантириш);

ҳуқуқий (ҳуқуқий давлат, суд ва ҳуқуқ соҳасидаги ислохотлар, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний маанфаатларини ҳимоя қилиш ва ҳоказо);

ахборот (ОАВларнинг мустақиллиги, уларни амалда «тўртинчи ҳокимият»га айлантириш, ахборотлашган ва «рақамли» жамиятни шакллантириш, ОАВларнинг ўзини ўзи бошқариш институтларини ривожлантириш ва ҳоказо);

иқтисодий ва экологик (мулкдорларнинг жамиятнинг таянчи бўлган- ўрта синфини(бўғинини) шакллантириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни, ННТларининг мамлакат «яшил иқтисодиёт»ига, «билимлар иқтисодиёти»га ҳамда «инновцион иқтисодиёти»га ҳиссасини, қўшадиган улушини ривожлантириш ва ҳоказо;

ижтимоий-гуманитар (мамлакатда ижтимоий давлатни шакллантириш, барқарор ривожланишни таъминлаш, жамиятнинг интеллектуал салоҳиятини

ошириш ва ҳоказолар);

Маънавий, дунёқарашни шакллантиришга оид, маданий-ғоявий (шахслараро, динлараро, миллатлараро, давлат ва ижтимоий-сиёсий муносабатларни мувофиқлаштириш, бунда инсон ва жамият, жамият ва давлат ҳокимияти, тинч-тотувликда ва иттифоқ бўлиб яшашини таъминлаш ва ҳоказо) мезонлар.

Диссертациянинг «**Фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг ижтимоий-сиёсий жиҳатлари**» номли иккинчи бобда фуқаролик жамияти институтлари ривожланишининг (шу жумладан қиёсий таҳлили ҳам), фуқаролик жамиятининг энг муҳим социал институтлари ҳисобланган –нодалат нотижорат ташкилотларининг ролини ошириш масалалари, фуқаролик жамиятини шакллантириш ва ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этадиган маҳалли институтининг ўзига хос жиҳатлари, шунингдек, кўппартиялилик асосида фикрлар хилмаҳиллигининг ривожланиши таҳлил қилиб берилади.

Ушбу бобда Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотларнинг фалсафаси, уларнинг ўзига хос жиҳатлари очиқ берилган, мамалакатнинг демократик тараққиёт борасида ўз анъаналарига эга эканлиги ёритилган, мамлакатни модернизациялаш жараёнларига эса қуйидаги жиҳатлар хослиги кўрсатилган:

биринчиси - тарихийлик, бунда умумбашарий жиҳатлар ва миллийликнинг яхлитлиги ифодаланади, яъни Ўзбекистон халқининг бой тарихий мероси сифатида унинг миллий қадриятларидан, анаъаналари ва маънавий қадриятларидан самарали фойдаланиш билан бирга, бутун башарият эришган ютуқлардан ҳам фойдаланишга эътибор қаратилади. Бу эса Ўзбекистонга халқаро муносабатларнинг тенгҳуқуқли субъекти сифатида халқаро ҳамжамиятнинг таркибий қисми бўлиб ривожланиш имкониятини беради;

иккинчиси - амалга оширилаётган ислохотларнинг босқичма-босқич ва жадал суръатларда олиб борилиши. Модернизациялашни босқичма-босқич амалга оширишнинг ҳамда «Халқ ҳаёт сифати яхшиланишини олис ўтмишда эмас, балки, айни бугун ҳис этиши керак» деган ғоянинг стратегик аҳамияти ва мазмуни, нафақат жамиятдаги барқарорликни сақлаб туришда ифодаланади, балки у фуқаролик жамиятининг эндигини пайдо бўлиб, куртак отаётган ниҳолларини авайлаб- асраш, халқимиз учун анъанавий бўлган институтларни қўллаб-қувватлашда ҳам намоён бўлади;

учинчиси - тизимлилик, яъни, ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маънавий-ахлоқий ислохотларни ягона ва яхлит ҳодиса сифатида таҳлил этиш ва кўриб чиқиш. Ҳаётнинг ўзи, қолаверса амалга оширилаётган ислохотлар таҳлили бозор ислохотларини ва иқтисодиётни либераллаштириш ишларини фақат ва фақат давлат ва жамоат бошқарувини такомиллаштириш билан, қонун устуворлиги таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ этиш, ижтимоий соҳаларни ривожлантириш, хафвсизликни, миллатлараро тотувликни ва диний бағрикенгликни таъминлаш, вазмин ҳар томонлама пухта ўйланган, ўзаро манфаатли ва конструктив ташқи сиёсатни олиб бориш билан чамбарчас ҳолдагина таъминлаш мумкинлигидан далолат бермоқда;

тўртинчиси - ижтимоий ўзгаришларнинг муқаррарлиги, ортга қайтмаслиги, бунда эски тизимлардан янги тизимга ўтилиш жараёнларини узлуксиз ва ҳаракатдаги жараён деб қараш ва ана шу асосда барча янгиликлар орасидан энг илғор, эзгу жиҳатларини танлаб олиш ва ҳаётга татбиқ этиш назарда тутилади;

бешинчиси - жамиятнинг барча қатламлари ва аъзоларининг ижтимоий бирдамлиги ва бағрикенглиги, шунингдек, модернизациялашнинг асосий таркибий қисми ҳисобланган анъанавийлик. Фалсафий нуқтаи назардан бу «анъана ва янгилик», «инкор ва ворисийлик» каби тушунчаларни, уларнинг ўзаро алоқадорлигини ва бир-бирига кўрсатадиган таъсирини, шунингдек уларни ҳаётга татбиқ этишни англатади. Ўзбек халқининг аъанавий маданияти ва ўзига хос жиҳатлари, унинг психологияси ва ижтимоий тузилмаларига хос шарт-шароитлар мамлакатда демократияни шакллантириш, фуқаролик жамиятининг барпо этилишида ўта муҳим ва ҳал қилувчи омиллар ҳисобланади;

олтинчиси - жамият ва давлат ҳаётида ижтимоий адолат тамойилларининг қарор топиши. Ўзбекистонда бу масалага, ижтимоий адолат – бу барча фуқароларнинг, уларнинг сиёсий дунёқарашидан, жинсидан, миллатидан, тилидан ва диний эътиқодидан қатъи назар қонун олдида тенглигини таъминлашдан иборатдир, деб қаралади.

Шу билан бирга давлатнинг жамиятдаги ижтимоий адолатни қарор топдириши учун асосий вазифа сифатида қуйидагилар ҳам белгиланган – ҳаётга халқ ҳокимияти ва фуқароларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш принципларини қатъи жрий этиб бориш, «агар қонун адолатли бўлса, инсон ҳуқуқларини амалда ҳимоя этадиган бўлса, халқ ҳам бундай қонунни ҳурмат қилади ва унга амал қилади», деган ғояга асосланган адолатли қонунларни қабул қилиш ва ҳоказо.

Тадқиқотда шунингдек, Ҳаракатлар стратегиясининг қабул қилиниши ва унинг устувор вазифаларини жадал амалга оширилиши, Ўзбекистон ўтмишдаги ажодларнинг донишмандлигини авайлаб асраган ҳолда, онгли равишда қатъий либераллаштириш ислохотлари томон ўтаётганлигидан, мамлакатнинг янги қиёфаси тобора қатъий ва шиддатли ривожланиш тамойилларига асосланган жамиятни барпо этишга қараб юз бураётганидан шаҳодат бераётганлиги кўрсатиб берилган.¹

Ушбу туб ислохотлар фуқаролик жамияти шакллантиришнинг сиёсий, ҳуқуқий, ахборотга оид, иқтисодий, ижтимоий-гуманитар, маданий-ғоявий ва бошқа «ўлчамлари» ёки «мезонлари»ни қамраб олади.

Тадқиқотнинг «**Фуқаролик жамиятини янада ривожлантиришнинг ижтимоий-иқтисодий омиллари**» номли учинчи боби қуйидагиларни ўрганишга бағишланган: менталитет ва маданий қадриятларнинг фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнларига таъсири; барқарор ривожланишни таъминлаш соҳасидаги Ўзбекистон стратегиясининг асосий йўналишлари;

¹ Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида нутқи - <http://uza.uz/oz/politics/zbekiston-prezidenti-shavkat-mirziyev-bmt-bosh-assambleyasi-20-09-2017>

«Таълим ва маърифат-тинчлик ва бунёдкорлик сари йўл» деган эзгу ғояни амалга ошириш; қулай иш муҳитини яратиш, фуқаролик жамиятининг асосий таянчи ва «умуртқа поғонаси» бўлган - мулкдорларнинг ўрта қатламини шакллантиришда энг муҳим омил ҳисобланмиш кичик ва ўрта бизнесни ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ва ҳоказо.

Жумладан тадқиқотда, фуқаролик жамиятининг ўзига хос жиҳатлари турли мамлакатларда турлича бўлиши ва бу уларнинг муайян тарихий шароитлардаги ривожланиш қонуниятлари, миллий ва маданий хусусиятлари, шунингдек, улардаги ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий муносабатларнинг ривожланиш характериға боғлиқлиги билан изоҳланиши қайд этилган. Шу билан бирга бугунги, замонавий очик ва адолатли фуқаролик жамияти концепцияларига инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, фикрлар, кадриятлар ва маданиятлар хилмахиллиги тушунчалари ҳам хос эканлиги таъкидланган.

Бугунги кунда нисбатан анча ривожланган ёндошувлар, «маданий плюрализм» ғояларига асосланган ҳолда, маданий тафовутларни инкор этмасдан ва ҳар қандай маданиятлар иерархиясидан воз кечиш заруриятини тан олиб ва шунга кўра евроцентризм ғояларидан воз кечиб, фуқаролик жамиятини шакллантириш концепциясига бир қатор аниқликлар киритиб бормоқда. Буларга қўшимча сифатида яна шуни таъкидлаш жоизки, аксарият тадқиқотчиларнинг фикрича, бу борада Шарқ умумжаҳон тарихий жараёнларининг дастлабки манзили сифатида майдонга чиқади, ва улар «осиёға хос жамиятни» дунёдаги илк тамаддун шакли сифатида талқин қиладилар ва эътироф этадилар.

Тадқиқотда мамлакатнинг барқарор ривожланиши, хавфсизлиги ва тинчлигининг гарови бўлган, миллатлараро тотувлик ва дўстликни мустаҳкамлаш борасида фуқаролик жамияти институтларининг аҳамияти очиб берилган. Шунингдек, бугунги кунда Ўзбекистон ўз ривожланишининг мутлақо янги бир босқичида турган паллада, Ҳаракатлар стратегиясида қўйилган вазифаларни уйдлаш, олиб борилаётган ислохотларнинг муваффақияти жуда кўп жиҳатдан мамлакатда фуқаролар аҳиллигини, турли миллат вакиллари ўртасида ўзаро дўстлик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш, хорижий мамлакатлар билан маданий-маърифий алоқаларни кенгайтиришга боғлиқ эканлиги таъкидланган. Шу билан бирга, илмий ишда «халқ дипломатияси»нинг миллий манфаатларни ҳимоя қилиш ва илгари суриш, давлатнинг мустақиллиги ва суверенететини мустаҳкамлаш, мамлакатнинг теварагида хавфсизлик, барқарорлик ва яхши қўшничилик камарини яратишдаги аҳамияти очиб берилган.

Бундан ташқари, диссертацияда кичик бизнесни ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш соҳасидаги миллий ҳамда халқаро тажрибани ўрганиш асосида, иқтисодиётнинг мазкур секторининг демократик ислохотларни амалга оширишдаги таянч ва уни ҳаракатга келтирувчи куч бўлган- мулкдорларнинг ўрта бўғинини шакллантиришдаги роли очиб берилган. Мазкур сектор мамлакат ва унинг иқтисодиётининг тез суръатлар билан ва барқарор ривожланишида, янги иш ўринларини яратишда, фойда

микдорининг оширилиши ва аҳоли фаровонлигини таъминлашда ўта муҳим омиллардан бири эканлиги кўрсатиб берилган.

Шу билан бирга, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш мақсадида бир қатор фойладанилмаётган имкониятлар ҳам кўрсатиб ўтилган бўлиб, улар асосан ушбу секторнинг улушини саноат ишлаб чиқаришида, ижтимоий инфратузилма ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш соҳаларида янада ошириш, шунингдек, инновацион иқтисодиётнинг муҳим омиллари бўлган юқори технологияларни ўзлаштириш бўйича махсус зоналарни, технополисларни, технопаркларни яратиш ва ҳоказоларга доирдир.

Шунингдек, жаҳоннинг кўпгина мамлакатлари «Тўртинчи саноат инқилоби» остонасида турган бир пайтда инновацион иқтисодиётга ўтишга кўмаклашиш, кичик инновацион компанияларни қўллаб-қувватлаш, молиявий ва бошқа ресурсларни инновацион лойиҳаларга сарфловчи хусусий инвесторлар фаолияти ва «стартап»лар учун қулай шарт-шароитни яратишга кўмаклашиш мақсадида «венчур корхоналар ва жамғармалар», «бизнес фаришталар» тўғрисидаги қонун ҳужжатларини ишлаб чиқиш ҳам куннинг долзарб масалалари сирасига киради.

Тадқиқотнинг **«Фуқаролик жамияти ривожланиши шароитида Ўзбекистонда рақамли ва ахборот жамияти шаклланишининг ўзига хос жиҳатлари»** номли тўртинчи бобида мамлакатдаги сўз ва ахборот эркинлигини таъминлаш, оммавий ахборот воситаларининг фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг энг муҳим ва зарурий шарти сифатидаги мустақиллигини ва эркинлигини мастуҳкамлаш, Ўзбекистоннинг ахборот сиёсати ва уни амалга оширишда фуқаролик жамияти институтларининг роли масалалари ва ҳаказолар кўриб чиқилган.

Ишда, шунингдек, демократик ислохотлар ва мамлакатни модернизациялаш жараёнида ижодий эркин ва мустақил ОАВларни ривожлантириш, фуқаролик жамияти институтлари тизимида, мамлакатда олиб борилаётган ислохотлар сиёсатида ошкоралик ва очиқликни таъминлашда уларнинг ролини кучайтириш соҳасида изчил ва тизимли ишлар амалга оширилгани қайд қилинган.

